



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 25 - dekabr

210-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

Пахтачи туманидаги Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” орденли “Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонаси 5-кон бошқармаси ҳисобидаги ер майдонларининг бир қисмини туман ҳокимлиги заҳира ер фонди ҳисобига қайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларнинг бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармониға мувофиқ, “Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонаси 5-кон бошқармасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 13/02-12-04/6087-сонли розилик хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-ва 36-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Пахтачи тумани Қарнабота ҳудудида жойлашган “Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонаси 5-кон бошқармасининг ҳисобидаги жами 311,0 гектар ер майдонлари туман ҳокимлиги заҳира ерлар фонди ҳисобига ўтказилсин.


2. “Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонаси 5-кон бошқармасига ажратилган ер майдонининг бир қисми туман ҳокимлиги заҳирасига қайтарилганлиги сабабли 5-кон бошқармасининг умумий ер майдони 920,0 гектар этиб белгилансин.

3. Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси (Я.Давронов),

Пахтачи туман ҳокимлиги (М.Хамдамов)ларга бир ҳафта муддатда туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Шукуров ва Ф.Абилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов